



## “DIALOGUE THROUGH HANDICRAFTS: A NEW VECTOR OF PEOPLE-TO-PEOPLE DIPLOMACY IN UZBEKISTAN–USA RELATIONS”

**Otabek Alimardonov**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in History*

*National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [otabekalimardonov111@gmail.com](mailto:otabekalimardonov111@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Uzbekistan, United States, public diplomacy, handicrafts, suzani, cultural exchange, digital platforms, IFAM, cultural image, soft power.

**Received:** 04.06.25

**Accepted:** 06.06.25

**Published:** 08.06.25

**Abstract:** This article analyzes the role of Uzbek national handicrafts as a tool of public diplomacy on the international stage, particularly in the context of cultural exchange with the United States. Through the activities of artisans such as Aziza Tojieva and Zilola Ashurova, it examines how traditional culture is integrated with digital technologies and contributes to the formation of a positive image of Uzbekistan among American audiences. The study highlights participation in international exhibitions such as IFAM, events at the George Washington University Textile Museum, and other cultural platforms as case studies of strengthening mutual understanding and friendly ties between the peoples of both countries. The article frames handicraft activity as a promising vector of Uzbekistan’s “soft power” strategy in public diplomacy.

## “ХУНАРМАНДЧИЛИК ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ: ЎЗБЕКИСТОН–АҚШ МУНОСАБАТЛАРИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНГИ ВЕКТОРИ”

**Отабек Алимардонов**

*доцент, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [otabekalimardonov111@gmail.com](mailto:otabekalimardonov111@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, АҚШ, халқ дипломатияси, хунармандчилик, миллий хунармандчилигининг халқаро сузани, маданий алмашинув, рақамли микёсда, хусусан, АҚШда халқ

платформа, IFAM, маданий имиж, soft power

дипломатияси воситаси сифатида тутган йрни таҳлил этилган. Азиза Тожиева ва Зилола Ашурова каби хунармандларнинг фаолияти орқали анъанавий маданиятнинг рақамли технологиялар билан уйғунлиги, маданий алмашинувнинг янги йўналишлари ва АҚШ жамоатчилигида Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш жараёнлари ёритилган. IFAM халқаро кўргазмалари, Жорж Вашингтон университети Текстиль музейи ва бошқа маданий тадбирлар мисолида икки мамлакат халқлари ўртасидаги йзаро тушуниш, ҳурмат ва дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланаётгани таъкидланган. Мақола ўзбек халқ дипломатиясининг “yumshoq kuch” стратегиясидаги самарали йўналишлардан бири сифатида хунармандчилик фаолиятини ўрганишга бағишланган.

## ДИАЛОГ ЧЕРЕЗ РЕМЁСЛА: НОВЫЙ ВЕКТОР НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ В ОТНОШЕНИЯХ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И США

**Отабек Алимардонов**

Доцент, доктор философии (PhD) по истории

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [otabekalimardonov111@gmail.com](mailto:otabekalimardonov111@gmail.com)

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Узбекистан, США, народная дипломатия, ремёсла, сузани, культурный обмен, цифровые платформы, IFAM, культурный имидж, мягкая сила.

**Аннотация:** В данной статье анализируется роль узбекских национальных ремёсел в качестве инструмента народной дипломатии на международной арене, в частности в контексте культурного обмена с Соединёнными Штатами Америки. На примере деятельности мастеров Азизы Тоджиевой и Зилолы Ашуровой исследуется, каким образом традиционная культура интегрируется с цифровыми технологиями и способствует формированию положительного имиджа Узбекистана среди американской аудитории. В работе рассматриваются такие примеры, как участие в международных выставках IFAM, мероприятия в Текстильном музее Университета Джорджа Вашингтона и других культурных платформах, демонстрирующие укрепление взаимопонимания и дружеских связей

между народами двух стран. Статья рассматривает деятельность в сфере ремёсел как перспективное направление стратегии «мягкой силы» Узбекистана в народной дипломатии.

**Кириш.** XXI асрда халқаро муносабатларда халқ дипломатиясининг роли тобора ошмоқда. Расмий сиёсий каналлардан фарқли ўлароқ, халқ дипломатияси жамиятларнинг маданий, таълимий ва ижтимоий ҳамкорликлари асосида шаклланади. Бугунги кунда миллий хунармандчилик каби анъанавий маданий фаолиятлар мамлакатлар ўртасида «yumshoq куч» (soft power) воситаси сифатида қаралмоқда. Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, хусусан, миллий тўқимачилик, керамика, заргарлик ва сузани каби хунармандчилик анъаналари халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Халқ дипломатияси – бу давлатлар ўртасидаги расмий эмас, балки жамиятлар, маданият ва фуқаролар даражасидаги мулоқот шакли бўлиб, унинг асосий таркибий қисмларидан бири миллий маданият ва хунармандчиликдир. Ўзбекистонда тарихий анъаналарга эга бўлган хунармандчилик бугунги кунда рақамли платформалар орқали глобал коммуникация воситасига айланмоқда. Хусусан, сузани санъати сўнгги йилларда АҚШ ва Европада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбек миллий хунармандчилиги – мамлакатнинг маданий мероси ва миллий ўзлигининг ёрқин ифодаси бўлиб, халқ дипломатиясида муҳим ўрин тутди. Хусусан, АҚШ билан муносабатларда хунармандчилик орқали маданий алмашинув, ўзаро тушуниш ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга эришилмоқда. Шунингдек, АҚШдаги IFAM халқаро халқ амалий санъати бозори, Жорж Вашингтон университети Текстиль музейи, ҳамда электрон платформадаги (Etsy, Instagram) фаолиятлар бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада айнан шу жараён – хунармандчилик орқали халқаро маданий алмашинув ва Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш жараёнлари таҳлил этилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Халқ дипломатияси ва хунармандчиликнинг “yumshoq куч” (soft power) сиёсатидаги ролига оид илмий ва оммавий манбаларни таҳлил қилиш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратилди:

А) Илмий адабиётлар: Joseph Nye (2004). Soft Power: The Means to Success in World Politics. – мазкур асарда “yumshoq куч” тушунчаси давлатлар маданияти, қадриятлари ва ташқи сиёсий манфаатларини тарғиб этиш воситаси сифатида ёритилган[1]. Cull, N. J. (2008). Public Diplomacy: Taxonomies and Histories. – халқ дипломатиясининг турлари, тарихий ривожланиши ва маданий алмашинувдаги роли таҳлил қилинади[2]. Melissen, J. (2005). The New Public Diplomacy: Soft Power in International Relations. – янги халқ

дипломатиясида жамият ва фуқароларнинг фаол иштироки таъкидланади[3]. Evdokimov E.V. (2023). Народная дипломатия. Массовость как феномен китайской внешнеполитической пропаганды. – халқаро тажрибалар асосида оммавий дипломатиянинг фуқаролар орқали амалга оширилиши ёритилган[4].

Б) Амалий манбалар: CNN, Young Uzbeks are finding new markets for traditional handicrafts online (2024) – Азиза Тожиева фаолиятида рақамли платформа орқали амалий санъатнинг халқаро аудиторияга чиқиши ҳақида. IFAM (International Folk Art Market) расмий сайти ва ҳисоботлари – ҳар йили ўтказиладиган тадбирларда ўзбек ҳунармандларининг иштироки. George Washington University Textile Museum – музей коллекциясидаги ўзбек тўқимачилик мероси ва замонавий кўргазмалар.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу тадқиқотда халқ дипломатиясида ҳунармандчиликнинг роли мисолида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги маданий алоқалар таҳлил қилинди. Ишда қуйидаги методлар қўлланилди:

Контент таҳлил: CNN, Daryo, Dunyo каби манбалардаги мақолалар таҳлил қилинди.

Кейс-стади (Case Study): Азиза Тожиева ва Зилола Ашурова каби ҳунармандлар фаолияти мисолида халқ дипломатиясининг амалиётдаги кўринишлари ўрганилди.

Қиёслаш методи: АҚШдаги IFAM ярмаркаси ва Жорж Вашингтон университети музейи фаолияти халқаро маданий мулоқот майдони сифатида таҳлил қилинди.

Саҳнавий таҳлил (scenario analysis): рақамли платформалар (Etsy, Instagram) орқали мулоқотнинг дипломатик самарадорлиги баҳоланди.

**Таҳлил ва натижалар.** 2024 йил 19 декабрда таниқли CNN нашри “Young Uzbeks are finding new markets for traditional handicrafts online” сарлавҳасида мақола эълон қилди. Азиза Тожиева ҳақидаги CNN мақоласида ўзбек миллий ҳунармандчилигининг рақамли трансформацияси ва халқаро бозордаги ўрнини ёритади. Мақолада ёзилича, Бухоро вилоятида яшовчи 24 ёшли Азиза Тожиева ўзининг қўлда тикилган сузанилари ва бошқа ҳунармандчилик буюмларини Etsy, Instagram ва eBay каби онлайн платформалар орқали сотмоқда. Унинг маҳсулотлари асосан АҚШ мијозларига етказиб берилади. Бу фаолият нафақат иқтисодий фойда келтиради, балки ўзбек ҳунармандчилигини халқаро миқёсда тарғиб қилишга хизмат қилади[5].

Сузани – ўзбек халқининг қўлда тикиладиган, рамзий маънога эга бўлган тўқимачилик буюмидир. Ундаги гуллар, шакллар ва ранглар турли ҳудудлар анъаналарини ифода этади. Суфизм ва миллий символик рамзлар жуда кўп ҳолларда тикувчилик орқали берилади. Бу буюмлар фақат маиший нарса эмас, балки Ўзбекистоннинг ноёб маданий капитали ҳисобланади.

Ўзбек хунармандчилиқ наъмуналарини рақамли платформа орқали рекламаси ва савдоси халқаро мулоқотнинг янги рақамли кўринишига мисол бўлиши мумкин. Ушбу фаолият нафақат иқтисодий даромад манбаи, балки:

- АҚШ жамоатчилигида Ўзбекистон ҳақида ижобий таассурот уйғотиш;
- Маданий маҳсулот орқали сўзсиз мулоқот ўрнатиш;
- Ёшлар ўртасида анъанавий санъатни замонавий форматда кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Бу – халқ дипломатиясининг рақамли даврдаги янги ифодасидир. Азиза Тожиева фаолиятидаги халқ дипломатияси аломатлари:

| Йўналиш                                    | Таҳлил                                                        |
|--------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|
| Ижтимоий платформа орқали мулоқот          | Instagram ва Etsy орқали турли миллат вакиллари билан мулоқот |
| Маҳаллий ҳунар – глобал тарғибот           | Бухорода тикилган сузанилар АҚШ мижозларига етказилмоқда      |
| Кўп миллатли мижозлар базаси               | Ислон дунёси, Европа ва Америка харидорлари                   |
| Ўзбекистоннинг “yumshoq kuch” (soft power) | Ҳунармандчилик орқали миллат имиджи яратиш                    |

Азиза Тожиева фаолияти – бу анъанавий ҳунар ва рақамли технологиянинг халқ дипломатиясига хизмат қилувчи идеал уйғунлигидир. Унинг фаолияти:

- Ўзбекистоннинг маданий брендини халқаро майдонга олиб чиқмоқда,
- АҚШ билан ижобий ижтимоий алоқаларни ривожлантирмоқда,
- Ёш авлод учун намунавий модел сифатида хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда ҳунармандчилик маҳсулоти фақат тижорий товар эмас, балки маданий алоқа воситасига айланган.

Бундан ташқари, АҚШда юртимизнинг кўп асрлик тарихини ифода этувчи халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати намуналари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудларига хос миллий либослар намойиши доимий равишда ташкил этиб келинади. Ўзбек ҳунармандчилиги орқали АҚШ жамоатчилиги ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва анъаналари билан танишиш имконига эга бўлмоқда. Бу эса халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ҳурматни мустаҳкамлайди. 2024 йил 24 август куни Сан-Франциско Бей Эриасидаги Ўзбек Жамоат Маркази International Kids Festival тадбирида иштирок этди. Ушбу тадбирда ўзбек миллий ҳунармандчилиги, кийим-кечак ва таомлари намойиш этилди, бу эса маҳаллий аҳоли ва болаларга ўзбек маданиятини яқиндан таништириш имконини берди[6].

Халқаро кўргазмалар ва аукционлар орқали ўзбек ҳунармандчилиги намойиш этилиб, миллий меросни сақлаш ва уни келажак авлодларга етказишга хизмат қилмоқда.

2014 йилда Филадельфиядаги Freeman's аукцион уйида 20-асрга тегишли ўзбек сузаниси сотувга қўйилди. Бу сузани Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг бой тўқимачилик анъаналарини акс эттиради. Ушбу тадбир ўзбек ҳунармандчилигининг АҚШдаги кадрланиши ва қизиқиш уйғотишини кўрсатади[7].

Асли бухоролик Зилола Ашурова ҳозирда океан ортида кичик бизнес фаолиятини юритиб келмоқда. У АҚШдаги ҳунармандчилик бозорларига чиқиб, ўзбек миллий кашта ва адрас буюмлари савдоси билан шуғулланади. Шунингдек У АҚШда ўтказилаётган йирик фестивалларда ўзбек миллий либослари, юртимизнинг бой маданияти ва туризм салоҳиятини акс эттирувчи материаллар билан иштирок этиб келади.

2019 йилда АҚШда кенг нишонланган Наврўз байрами арафасида З.Ашурованинг Ўзбекистонга бағишланган навбатдаги кўргазмаси ташкил этилди[8].

АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида бўлиб ўтадиган International “Халқаро халқ амалий санъат бозори” кўргазмаси халқ дипломатиясининг яна бир яққол намунаси.

2004 йилдан бери АҚШнинг маданий пойтахтларидан бири – Нью-Мексико штати Санта-Фе шаҳрида ҳар йили ўтказиб келинаётган “Халқаро халқ амалий санъат бозори” (*International Folk Art Market (IFAM)*) дунёдаги энг йирик халқ амалий санъати ярмаркаси ҳисобланади. Бу тадбирда 60 дан ортиқ давлатдан 150 дан зиёд ҳунармандлар иштирок этади. Ўзбекистон ҳунармандлари ушбу ярмаркада 2010-йиллардан бошлаб мунтазам равишда IFAMда қатнашиб келмоқда. мунтазам иштирок этиб, миллий маданиятни халқаро майдонда намоён этишда муҳим роль ўйнамоқда.

2019 йил 12-14 июль кунлари бўлиб ўтган IFAM ярмаркасида Ўзбекистондан 20 дан ортиқ ҳунарманд иштирок этди. Улар орасида машҳур тўқувчилар Гулнора Одилова, Муҳайё Алиева, Тошкент тўқимачилик мактаби вакили Мадина Қосимбаева, гилам усталари Фатхулло Кенжаев ва Дилшод Усмонов каби ҳунармандлар бор эди. Ўзбек ҳунармандлари 11 та стендда ипак ва жун гиламлар, анъанавий матолардан тикилган кийимлар, заргарлик ва керамика буюмларини намоёйиш этишди. Ярмаркада сотилган маҳсулотлар ҳажми тахминан 300 минг АҚШ долларини ташкил этди.

2014 йилдаги IFAM кўргазмасига Ўзбекистондан 25 нафар ҳунарманд таклиф қилинди. Улар орасида Бухоролик каштадўзлар Фарҳод Рамазонов ва Муҳаббат Қўчқорова, шунингдек, дизайнер Муҳайё Алиева ҳам бор эди. Улар ўз маҳсулотларини намоёйиш этиш, сотиш ва янги ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўлди.

2021 йилдаги IFAM кўргазмасига Ўзбекистондан 20 нафардан ортиқ ҳунарманд қатнашди. Асосий иштирокчилар:

• Гулнора Одилова – Шаҳрисабзга хос “Ироқи” услубидаги ипак матолар билан қатнашди.

• Фатхулло Кенжаев ва Дилшод Усмонов – Ўзбек миллий гиламларининг намуналари билан иштирок этди.

• Мадина Қосимова – Тошкент тўқимачилик мактабининг ёш вакилаларидан бири сифатида иштирок этди.

Улар орасида Шаҳрисабзлик таниқли тикиш устаси Гулнора Одилованинг ипакдан тайёрланган анъанавий ўзбек тўқимачилиги маҳсулотлари, жумладан, “Ироқи” услубидаги сўзанилари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмада тақдим этилган буюмлар:

- Ипак ва ёғоч гиламлар
- Анъанавий матодан тикилган либослар
- Миллий пойафзаллар
- Заргарлик буюмлари
- Бухоро ва Самарқанднинг кулолчилик буюмлари

Ўзбек ҳунармандлари кўргазмадаги энг йирик делегациялардан бири бўлиб, уларнинг маҳсулотлари 250–500 минг АҚШ доллари миқдорида сотилди[9]. Бу рақам мамлакатнинг миллий ҳунармандчилик маҳсулотларига халқаро бозорда катта талаб мавжудлигини исботлайди. Ярмарка натижалари ҳунармандлар учун нафақат даромад манбаи, балки янги ҳамкорликлар учун имкониятлар эшигини очди.

Ўзбекистонлик ҳунармандлар 2024 йилнинг 12-15 июль кунлари бўлиб ўтган кўргазмада анъанавий тарзда энг кўп сонли делегациялардан бири бўлган ўзбек ҳунармандлари таркибига 10 ортиқ усталар кирди ва улар анъанавий санъат намуналарининг кенг қўламини намойиш этдилар. Ипак гиламлар, анъанавий матолардан тикилган кийимлар, заргарлик, керамика буюмлари шулар жумласидандир.

IFAM кўргазмасида Ўзбекистондан икки таниқли ҳунарманд иштирок этди:

- Гиждувон ҳунармандчилик маркази – уй учун тўқимачилик буюмлари билан;
- Бекруз Аҳмедов – уй учун тўқимачилик маҳсулотлари билан.

Улар ўзбек миллий тўқимачилиги, хусусан, ипак ва адрас асосида тайёрланган буюмларни намойиш этиб, маҳаллий ва халқаро харидорлар эътиборини тортдилар.

Фестиваль ташкилотчилари ва меҳмонлари Ўзбекистон амалий санъатининг ўзига хослиги, гўзаллиги ва хилма-хиллигини юксак баҳолади. Қайд этиш керакки, ўзбекистонлик ҳунармандлар томонидан яратилган маҳсулотлар халқ амалий санъати ихлосмандларининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Хусусан, ўзбек гиламларининг



тузилиши, мураккаб нақш ва жозибали ранглари билан коллекционерларни хайратга солди.

Бир неча юз йил вақт мобайнида ишлаб чиқариш технологиялари деярли ўзгармаган машҳур ўзбек керамикаси ҳам диққатдан четда қолмади. Ўзбекистон хунармандларининг зилол ва тўқ кўк сирли керамика буюмлари меҳмонлар томонидан эътироф этилди.

Ватандошларимиз ярмарка доирасида амалий санъат асарларини яратиш тарихи ва услублари, улардаги нақшларнинг аҳамияти ва рамзлари, усталар сулолалари ҳамда ушбу соҳалардаги замонавий тенденциялар ва инновациялар ҳақида сўзлаб бердилар. Кўплаб америкаликлар учун бундай ҳикоялар Ўзбекистоннинг ранг-баранг маданияти ҳақида қизиқарли манба бўлди.

Фестиваль кунлари ўзбек хунармандлари салкам ярим миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотишга эришдилар. Бу америкаликлар ва ушбу мамлакат меҳмонлар томонидан ўзбек амалий санъатига бўлган юқори қизиқишни тасдиқлади[10].

Фестиваль давомида 60 мамлакатдан келган 150 дан ортиқ хунармандлар халқ амалий санъати маҳсулотларини меҳмонлар ва Нью-Мексико штати аҳолисига намойиш этиш ҳамда сотиш имкониятига эга бўлдилар.

Хунармандчиликни халқ дипломатияси механизми сифатида қуйидаги жадвалда батафсил тавсифлаш мумкин.

| Кўрсаткич                            | Аҳамияти                              |
|--------------------------------------|---------------------------------------|
| Хунармандларнинг жонли иштирок этиши | Маданий мулоқотни кучайтиради         |
| Миллий маҳсулотлар орқали алоқа      | Сўзсиз дипломатия шакли               |
| Савдо ва ҳамкорлик                   | Иқтисодий дипломатияни мустаҳкамлайди |
| Тадбирдаги ОАВ ёритуви               | Халқаро имиж шакллантириш             |

Доимий равишда ўтказилиб келинаётган IFAM кўргазмасини маданий аҳамиятлари қуйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, АҚШ жамоатчилигига ўзбек миллий хунармандчилиги ва эстетикасини таништириш имкони пайдо бўлиб, ушбу кўргазма ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, халқаро оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистоннинг маданий имижини ижобий ёритишга муваффақ бўлинади. Учинчидан, жонли мулоқотлар орқали АҚШ ва Ўзбекистон халқлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва қизиқиш ошади.

2024 йилда Жорж Вашингтон университетининг Текстиль музейида бўлиб ўтган текстиль фестивалида ўзбек каштачилиги америкаликлар қалбини забт этди. 4 мингдан ортиқ текстиль ишқибозлари, санъатшунослар, пойтахт меҳмонлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



Фестиваль доирасида иштирокчиларга нақшлар яратиш тарихи ва усуллари, усталарнинг сулоалари, шунингдек, соҳадаги замонавий тенденциялар ва инновациялар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистон миллий стенди ташриф буюрувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Унда “Gulnora art” бренди остидаги табиий ипакдан тайёрланган, ўзбек нақшлари билан безатилган маҳсулотлар намойиш этилди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг кўп асрлик маданиятини замонавий услуб билан уйғунлашган ҳолда акс эттирувчи каштасини юқори баҳоладилар. Ўзбек усталарининг асарлари нафақат нафосатлилиги билан ҳайратга солди, балки амалийлиги билан ҳам америкалик мода ихлосмандларининг эътиборини тортди.

Жорж Вашингтон университетининг Текстиль музейи 1925 йилда ташкил этилган. Дастлаб, музей коллекциясига 275 та гилам ва 60 та бир-бирига боғлиқ тўқимачилик маҳсулотлари кирган. Унда ўзбек ҳунармандларининг XIX асрга оид юзлаб буюмлари ҳам сақланади[11].

АҚШнинг турли шаҳарларида ташкил этиладиган халқаро кўргазмаларда Ўзбекистон миллий стенди энг кўп ташриф буюрилган стендлардан бирига айланиб улгурган, бу эса америкаликларнинг мамлакатимиз тарихи, маданияти, анъана ва урф-одатлари билан яқиндан танишишга бўлган иштиёқи ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди. Маданий тадбир ва концертга келганларнинг аксарияти Ўзбекистонга ташриф буюриб, қадимий меъморий обидалар, ўзбек халқининг бетакрор санъати ва анъаналарини ўз кўзлари билан кўриш истагини билдиради.

**Хулоса ва таклифлар.** Халқ дипломатияси, шунингдек, мамлакатларнинг ўзаро тушунишини ва ишончини оширишга, турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу алоқалар нафақат икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни яхшилаш, балки уларнинг халқларининг ўзаро маданий ва ижтимоий ўзгаришларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳунармандчилик кўргазмалари орқали ўзбек ҳунармандлари нафақат маҳсулотларини сотиш, балки миллий маданият ва анъаналарни халқаро миқёсда тарғиб қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу тадбирлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги халқ дипломатиясини мустаҳкамлаш, маданий алмашинувни кучайтириш ва икки халқ ўртасидаги ўзаро тушунишни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳунармандларнинг юксак савиядаги маҳсулотлари орқали мамлакатимиз ўз маданий меросини дунёга намоён қилиш, фуқаролар орқали дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш, “yumshoq kuch” (soft power) стратегиясини амалиётда намоён этиш имкониятига эга бўлади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Joseph Nye (2004). Soft Power: The Means to Success in World Politics. — мазкур асарда “yumshoq куч” тушунчаси давлатлар маданияти, кадриятлари ва ташқи сиёсий манфаатларини тарғиб этиш воситаси сифатида ёритилган.
2. Cull, N. J. (2008). Public Diplomacy: Taxonomies and Histories. — халқ дипломатиясининг турлари, тарихий ривожланиши ва маданий алмашинувдаги роли таҳлил қилинади.
3. Melissen, J. (2005). The New Public Diplomacy: Soft Power in International Relations. — янги халқ дипломатиясида жамият ва фуқароларнинг фаол иштироки таъкидланади.
4. Evdokimov E.V. (2023). Народная дипломатия. Массовость как феномен китайской внешнеполитической пропаганды. — халқаро тажрибалар асосида оммавий дипломатиянинг фуқаролар орқали амалга оширилиши ёритилган.
5. Young Uzbeks are finding new markets for traditional handicrafts online / <https://edition.cnn.com/business/uzbekistan-handicrafts-suzanis-digital-etsy-spc/index.html?utm>
6. Assalom Bahor: Uzbek Community Welcomes Spring with Joy in San Francisco / <https://www.uzbekcommunitysf.org/news?utm>
7. 20th-Century Suzani Wall Hanging from Uzbekistan Is on the Block / <https://www.architecturaldigest.com/story/suzani-wall-hanging-uzbekistan?>
8. <https://daryo.uz/k/2019/04/30/aqshda-yashayotgan-ozbekistonlik-ayol-massachusetts-shtatida-ozbek-maktabi-ochmoqchi>
9. IFAM International Folk Art Market 2021 in USA: Uzbekistan is amongst favorite / <https://uzbek-travel.com/about-uzbekistan/news/ifam-international-folk-art-market-2021-in-usa-uzbekistan-is-among-favorite>
10. АҚШнинг Санта-Фе шаҳридаги ярмаркада салкам ярим миллион долларлик ўзбек миллий хунарамандчилик маҳсулотлари сотилди / <https://dunyo.info/uzk/Fakt/uzbekskie-mastera-predstavili-svoi-raboty-na-vystavke-yarmarke-remeslennikov-v-amerikanskom-gorode-santa-fe>
11. АҚШ пойтахтида ўтказилган фестивалда ўзбек каштачилиги америкаликлар қалбини забт этди / <https://dunyo.info/uzk/kultura/uzbekskaya-vyshivka-pokorila-serdca-amerikancev-na-festivale-v-stolice-ssha>